

## ОБОДЛИҚДА БЕНАЗИР ГЎША

3



Ойбек МАМАЗУЛУНОВ,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган спортчи:

КУЧ БИЛАҚДА ҲАМ,  
ЮРАҚДА ҲАМ  
БЎЛИШИ КЕРАК!

4

## ТУРМУШ МАНЗАРАЛАРИ

5



ДЕНГИЗ  
ЮЛДУЗЛАРИ

7

**ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА  
САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**



Муҳаммадқарим ШОМУРОДОВ  
сурат-лавҳаси.

## Китоб ҳаёт илмини ўргатувчи буюк мураббийдир

“Оила ва жамият”  
газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси  
сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммас-  
лак бўлиб келаётган  
муҳтарам муштарийлар?

Унутманг, сеvimли газетангизга йил бўйи обуна  
бўлишингиз мумкин.

Индекс — 176



## ҲИКМАТ

Киши ўзганинг  
бахтидан бахт топ-  
са, у ҳақиқий умр-  
ни яшаган ҳисоб-  
ланади.

ГЁТЕ

# ИШ ЎРНИ КОЛЛЕЖНИНГ ЎЗИДА

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи ҳозирда унчалик долзарб масала эмасдек. Қолаверса, янги ўқув йили бошланиб, ўқувчиларнинг билим ва касб-хунарларни эгаллаши ўқув муассасалари учун айтиш диктат-этибордаги масаладир. Аммо коллеж битирувчиларини ишла бўлиши тегишли ташкилотлар учун мавсум танламайди. Аксинча, йил давомида қайси ташкилотга қандай йўналишдаги мутахассис кераклиги, корхоналарнинг бу борадаги эҳтиёжи ўрганиб борилиши йил сўнигида яхши самара беради. Шунинг учун бўлса керак, Жомбой туман хотин-қизлар кўмитаси коллежни битираётган қизларнинг касб-хунар коллежини тугатгач, иш жойига эга бўлишларини таъминлаш бўйича жорий йилда аниқ ташаббуслар билан чиқди.

— Бу йил Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан битирувчи қизларнинг иш билан бандлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди **Жомбой туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ҳафиза УСАРОВА**. — Ҳар бир маҳалла, касб-хунар коллежларида битирувчи қизларнинг рўйхати, уларнинг қайси корхона билан шартнома тузгани белгиланб борилди. Тўғри, мазкур рўйхатлар шакллантирилди, қизларнинг қайси корхоналарга ишга жойлашиши хусусидаги маълумотлар йиғилди. Аммо шу билан бир қаторда биз бу масалага янада чуқурроқ ёндашдик. Ҳўш, битирувчи қизларнинг ҳаммаси ҳам ўз мутахассислиги бўйича иш топиш имкониятига эгами? Меҳнат бозорига битирувчиларнинг мутахассисликлари бўйича кадрларга эҳтиёжи қай даражада? Қолаверса, барча ташкилотлар ҳам ҳар йили коллеж битирувчиларини ишга қабул қилиш имкониятига эга эмас. Бунинг учун ҳудуднинг ўз ички имкониятларидан фойдаланиш, керак бўлса, коллежда ҳам кичик цехлар ташкил қилиш мумкинлигини жорий йилнинг бошиданок режалаштирдик. Айниқса, битирувчиларга имтиёзли кредитлар ажратилаётгани иш ўринлари яратиш борисига қулай имконият саналади. Айнан шу масалада битирувчи қизларга ёрдам бериш учун

эса уларнинг тажрибали тадбиркорлар билан ҳамкорлигини ўрнатиш, ўзига хос рақобат бозорига чиқиш йўллари ўрганишига ёрдам бериш лозим. Бу борада маълумотларни ўрганганимизда қизларнинг кўпчилиги банк кредитларига тикувчилик ишини йўлга қўйиш учун зарур асбоб, хом ашё сотиб олиш истагида эканлиги



маълум бўлди. Шунинг учун ҳар бир коллеж қошида тикувчилик цехи ташкил қилишни режалаштирдик. Айни пайтгача тумандаги етти касб-хунар коллежининг 2 тасида шундай цехлар ташкил қилинди. Қолаверса, маҳаллалар қошида ҳам ана шундай цехлар очилишига эришилди.

Айтиш керакки, бу йил Жомбой тумани бўйича 7 та касб-хунар коллежини 2227 нафар ўқувчи тугатган бўлса, уларнинг 1023 нафарини қизлар ташкил қилади. Битирувчилардан тадбиркорлик йўналишини танлаган 592 нафар ёшнинг 231 нафарини қизлар ташкил қилади. Ўтган давр мобайнида битирувчиларга бир миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди.

152 нафар қизга туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, Бандликка қўмаклашувчи марказ ва тижорат банклари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда банк кредитлари олиш бўйича сертификатлар берилди. Улар банк кредитларини олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятларини амалга оширишни бошладилар.

Жомбой транспорт касб-хунар коллежи қошида ташкил этилган тикувчилик цехида айни пайтда етти нафар коллеж битирувчиси ишлапти. Эътиборлиси, улар орасида фақат шу йил

## БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА!

ги битирувчилар эмас, балки бундан аввал коллежда тахсил олган битирувчилар ҳам бор. Мисол учун, Шахноза Насимова Жомбой транспорт коллежининг тикувчилик йўналишини 2010 йилда тугатган. Айни пайтда шу цехда тикувчилик қилапти.

— Барча шарт-шароитларга эга цехимизда бугун қизларимиз буюртмага асосан турли хилдаги кийим-кечакларни тикаётир, — дейди **тикув цехи раҳбари Шаҳзода Ҳамидова**. — Буюртмалар билан бир қаторда бозор эҳтиёжини ўрганган ҳолда кийим-кечаклар тикиб сотишни ҳам йўлга қўйганмиз. Жорий йилда икки нафар коллеж битирувчиси банкдан имтиёзли кредит олиб, шу ерда ўз фаолиятини бошлади. Улар касб сирларини чуқурроқ ўзлаштириши баробарида кредитни ўз вақтида тўлаб бориш, бозор талабини ўрганиш каби муҳим жиҳатларни ҳам ўзлаштирмакда. Масалан, Баҳора Ҳасанова, Раёно Пўлатова шу йил транспорт коллежини тугатиб, банкдан имтиёзли кредит олишга эришди. Уларга бу борада зарур йўл-йўриқларни кўрсатаямиз.

Янги ҳаёт маҳалласида «Саммаишйсервис» қошидаги «Хумо» тикувчилик цехи ҳам жорий йилда ташкил этилди. Сабоҳат Исҳоқова раҳбарлик қилаётган мазкур тикув цехида айни пайтда 10 нафар қиз доимий иш билан банд. Жомбой информатика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи битирувчи қизлари шу ерда тикувчилик хунарини бепул ўрнини имкониятига эга бўлишмоқда.

Қолаверса, туманнинг Назар, Қўлбости, Қудуқли, Алишер Навоий, Гулистон, Эски Жомбой, Найман маҳаллалари қошида ҳам кичик тикув цехлари ташкил қилиниб, унда коллеж битирувчилари меҳнат қилишаётир.

Бир сўз билан айтганда, туман хотин-қизлар кўмитасининг бу ташаббуси кенг жамоатчилик ўртасида қўллаб-қувватланмоқда. Шу боис маҳаллалардаги бўш турган бинолар, коллежини ички имкониятларини ишга солиш, маҳаллада ташкил этилган хизмат кўрсатиш соҳаси, тикувчилик цехлариданги имтиёзлардан оқилона фойдаланиш орқали коллеж битирувчи қизларига иш ўринлари яратилаётгани бу ташаббуснинг амалий натижаларидир.

**Гулруҳ МҶМИНОВА,**  
«Оила ва жамият» муҳбири,  
Самарқанд вилояти.

## ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Биноларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, дастлаб, уларни лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади. Бу вақтда ёнгин хавфсизлиги талабларининг тўла бажарилиши кейинчалик иншоотларда ёнгин содир бўлмаслигининг кафолати ҳисобланади.

Бунёдкорлик майдонларида, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали иншоот ва биноларнинг хавфсизлиги таъминланади. Масалан, қурилиш майдончаларида қурилиш-монтаж ишлари бошланмасдан олдин барпо этиладиган ва маиший (вақтинчалик) иншоотлар орасидаги ёнгинга қарши узилишлар жойлашган барча бинолар бузиб ташланиши керак.

Қурилишнинг кўмакчи масканлари (ёғочсозлик устаноналари, омборлар, қурувчилар учун мўлжалланган маиший хизмат хоналари ва бошқалар) жойлашиши ёнгин хавфсизлиги талабларига биноан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бош лойиҳа асосида бунёд этилиши шарт.

Қурилиш олиб борилаётган майдончада ёнгин ўчириш воситалари, қум солинган қўти, сув тўлдирилган бочкалар билан жиҳозланган ва фақат «Чекиш жойи» ёзуви бўлган жойлардагина чекиш мумкин.

Қурилиш ҳудудига гулхан ёқиш қатъиян ман этилади.

Газ солинган баллонлар сони 50 дан ортиқ бўлмаган ҳолда махсус омборхонада ёки қуёш нури тик тушмайдиган бостирма остида сақланиши керак. Тўлдирилган баллонлар тик ҳолда қўйилиб, махсус катаклар ёки уяларга ўрнатилади ва камар, занжир ёки қисқичлар билан маҳкамланади.

Кислород баллонларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва кўчиришда баллон ҳамда шланглар мой ва мойли материалларга тегиб кетмаслиги чоралари кўрилиши керак.

«Меҳнат қилиб бог яратган уни асрай билиши ҳам керак», деганларидек, бино ва иншоотлар бунёд этувчи ҳар бир бинокор — қурувчи, муҳандис мутахассис тегишли талабларни пухта ўзлаштириб олиши, қурилиш жараёнида ёнгинларга олиб келувчи ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олиш юзасидан тегишлича йўриқнома билан таъминланиши лозим. Бир сўз билан айтганда, қурилишда амалдаги қоида талабларига қатъий риоя этишга ҳар бир киши масъул ва мажбур эканлигини унутмаслик керак.

**Маҳмудхўжа ЮСВАЛИЕВ,**  
Юнусобод ТИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант.

Тадбир

## ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Миробод туманининг ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция имкониятлари, янги иш ўринлари яратиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда ҳудудда куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди.

Тумандаги маҳаллаларда жамоатчилик билан ишлаш яхши йўлга қўйилгани боис намунали оилалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунингдек, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ва қувватларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда касаначилик фаолиятини ривожлантириш асосида 7300 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ҳудудда ўндан ортиқ йирик саноат корхонаси, 520 та қўшма, 3600 дан зиёд кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. «Миробод дехқон бозори» ва унинг 3 та шохобчаси, аэропорт, темир йўл вокзали, маданий-маърифий иншоотлар, спорт заллари, стадионлар, таълим муассасалари ишлаб турибди.

Иқтисодиёт, тиббиёт, автотранспорт, темир йўл, енгил саноат ҳамда педагогика каби йўналишларга ихтисослашган 7 та касб-хунар коллежини жорий ўқув йилида 2129 нафар йигит-қиз битирди ва 1269 нафарининг бандлиги таъминланган. Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. «Оила — Маҳалла — Таълим муассасаси» ҳамкорлигининг кенг йўлга қўйилгани натижасида коллежларда ўқувчиларнинг ўзлаштириши доимий таҳлил этиб борилмоқда.

Туманда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида 39 та маҳалладаги кўп қаватли турар жой бинолари жорий ва капитал таъмирланди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олишди.

**Марҳабо МАҲКАМОВА,**  
Нилуфар МУРОДОВА,  
ЎЗМУ талабалари.

# ОБОДЛИКДА БЕНАЗИР ГЎША

ёхуд Андижон вилояти хотин-қизлари фаолиятига бир назар

**Илгари бу замин ҳақида гап кетса, улуғ бобомиз Захириддин Мухаммад Бобур ҳазратларнинг қай биридан сўз очмайлик, андижонликлар бўй ростлаб келаведради.**

Истиклол йилларида чин маънода гўзаллик ва бунёдкорлик майдонига айланган Андижонга кириб борарканмиз, кўзларни кувнатгучи, дилларга ўзгача сурур бахшида этгучи гулу гулзорларга бурканган йўллар пешвоз чиқади. Беихтиёр кўнглимиздан, «Демак, вилоят маркази анча яқин экан-да», деган ўй ўтади. Лекин бугунги кунда нафақат Андижон шаҳар маркази, балки барча туманлар ва ҳатто қишлоқларнинг-да ана шундай файзиёб, тароватли гўшаларга айланганига гувоҳ бўласиз.

— Вилоятимиз аҳли узаро ҳамжихатликда «Ободлик кўнглидан бошланади» шиори остида ҳар йили «Андижонни обод ва кўркем вилоятга айлантирайлик» кўрик-танловини ташкиллаштирмақда, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзураҳон Юнусова. — Ҳар йили Ватанимиз Мустақиллигига бағишланган шодиёналар арафасида барча туманлар, маҳаллаларда анъанага айланиб қолган Гул байрамларини ўтказамиз. Энг фаол маҳаллалар туман ва вилоят босқичида беллашадилар. Бу йил мазкур танловда Андижон шаҳри 1-ўринни, Олтинкўл тумани 2-ўринни эгаллади. Туманларда голибликни қўлга киритган 16 та маҳалла фуқаролар йиғинлари вилоят ҳокимлиги томонидан компьютер ва мебеллар жамланмиси билан тақдирланди.

Кувонарлиси шундаки, опа-сингилларимиз, она-хонларимиз ҳам бундай хайрли ишда фаоллик кўрсатишмоқда. Аҳилликда гап кўп экан. Ҳамюртларимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, оилаларга фаровонлик олиб кириш борасида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган истиқболли Давлат дастурларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, олиб борилаётган ишлар натижасида вилоятимиз аҳолисининг турмуш даражаси йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилаётган уй-жойлар қишлоқларимизнинг кўрки-

га кўрк қўшмоқда. Биргина жорий йилда вилоятимизнинг 31 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 977 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги массивларда табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари тортилиб, ички йўллар қурилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан 16 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишга тушди, жумладан, 2 та гузар, 3 та савдо мажмуаси, 3 та бозор, 5 та нон пишириш цехи ҳамда 3 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуалари бунёд этилди. 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида шу йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий қиймати 254,2 миллиард сўмлик 2 минг 815 та лойиҳа амалга оширилди ва 24 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Аёл тадбиркорларга, шунингдек, ишловчиларнинг камида 50 фоизини хотин-



қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 75 млрд. 923 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланиши ҳамда ёшларнинг иқтисодий ва қобилиятини юзага чиқариш, уларнинг билим олишлари, спорт ва санъат соҳаларида юксак марраларни эгаллашлари учун яратилаётган имкониятлар туфайли маданият, санъат, спорт, фан ва таълим борасида салмоқли ютуқларни қўлга киритаётган ўғил-қизларимизнинг сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Хотин-қизларнинг турмуш тарзи, уларнинг оила ва жамиятдаги маъқеини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида вилоятнинг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган Қўрғонтепа туманига отланамиз. 69 та ўзини ўзи бош-

қариш органлари мавжуд бўлган мазкур тумanning қай бир манзилида тўхтамайлик, хунарманд, тадбиркор, маърифатпарвар аёллар бизга пешвоз чиқади.

— Маҳалламиз обод, халқимиз фаровон яшаяпти, — дейди Дардоқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Иқтисодчи» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муносиб Ганижоновна. — Ишбилгич, хунарманд аёлларимиз тўқувчилик, каштачилик, тўнчилик, дўппичилик билан шуғулланиб, оилаларига барака олиб киришмоқда. Шу билан бирга қадимдан асраб-авайлаб келинган хунармандчилик сирларини ёшларга ҳам ўргатишмоқда.

Маҳалланинг фаол аёлларидан бири Гулчирой Ибрагимова 2 та тикув машинаси билан яқин тартибда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган, Чинораҳон Абдуқодирова эса 25 яшиқ асалари боқиб, элдошлари дастурхонини тўкин қилиш йўлида елиб-югурмоқда. Меҳмонхон Гафорова паррандачиликни

кундан-кунга чирой очиб, обод бўлиб бормоқда.

Қўрғонтепа шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалласи жорий йилда ўтказилган «Энг намунали маҳалла» кўрик-танловининг вилоят босқичида 2-ўринни олгани бежиз эмас. Ёшларни ёт гоёлар таъсиридан асраш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, ўғил-қизларнинг иқтидорини юзага чиқариши, ёшлар, айниқса, қизларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш борасида олиб борилаётган ишларга маҳалла раиси — халқ таълими аълочиси, жонқуяр ва тиниб-тинчимас Ҳабиббаҳон опа Холмирзаева бош-қош. Шу ҳудудда 30 та намунали лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриб битказилди. Маиший хизмат кўрсатиш уйлари, «Гўзаллик салон»лари, савдо дўкони, сартарошхона, мебель ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритмоқда. Маҳалла аҳли деҳқончилик ва асаларчилик сирларини пухта ўзлаштирган.

Вилоятда тадбиркор хотин-қизлар сафи йил сайин тобора кенгайиб бораётгани кувонарли. «Entomofag bio» МЧЖ раҳбари Одинахон Саидовани бугунги кунда нафақат Андижон туманида, балки вилоятда ҳам яхши билишади. 12 та биологаторияга бош-қош бўлиб ишлаётган бу тадбиркор аёлнинг қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундаларига қарши курашувчи хашаротларига эндиликда кўплаб фермер хўжаликлари талабгор бўлмоқда. 2013 йилда «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» кўрик-танловининг республика босқичида голиб бўлган Одинахоннинг биологаторияни кенгайтириш ҳамда мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун 100 тонналик музлатгич омборини қуришга мўлжалланган лойиҳаси «Соғлом бола йили» Давлат дастурига киритилган. «Микрокредитбанк»нинг Куйганёр филиалидан 250 млн. сўм миқдорда кредит маблағи олган Одинахон ушбу лойиҳани амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Олтинкўл туманида бўлганимизда эса бу ерда чин маънода олтин қалбли инсонлар умргузаронлик қилаётганига гувоҳ бўлдик.

— Кўз тегмасин, юртимиз тинч, хонадонларимиз обод, — дейди «Олтинкўл водий гулшани» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Сиебсатхон Абдуллаева. — Юртимизда фермерлик ҳаракатини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мен ҳам шу соҳада ишлаб, кам бўлмадим. Фарзандларим ҳаётда



— Биз бахтли авлодимиз. Ўтган 23 йил мобайнида истиқлолимиз бизга берган улкан имкониятлардан фойдаланиб, ўқидик, илмий иш қилдик, ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Она сифатида соғлом ва зукко фарзандларимиз камолини кўряпмиз, — дейди сиёсий фанлар номзоди, Андижон вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзураҳон Юнусова.

Ота-онаси Юлдузхон ая ва Фазлиддин ака Гулшановларнинг ҳамда қайнотаси, тиббиёт фанлари номзоди Юсуфжон Юнусов ҳамда қайнонаси Ёқубжон авининг доно маслаҳатларига, ўғилларига суяниб, турмуш ўртоғи Рустанжон Юнусов билан икки қизлари — Нарғиза ва Нилуфарни вояга етказган Манзураҳон Юнусова вилоят хотин-қизларининг оила ва жамиятдаги маъқеини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида жонқуярлик билан меҳнат қилмоқда.

Ўз ўрнини топган. 14 набаира ва 9 чеваранинг бувисиман. Фермер хўжалигимизда 37 нафар ишчимиз бор. 95 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Меҳнатимизнинг роҳатини кўряпмиз. Хонадонларимизга барака кираяпти. Мухтарам Юртбошимиз бизнинг кўҳна ва ҳамиша навқирон Андижонимизга ташриф буюрганларида вилоятимиз меҳнаткашлари ҳақида билдирган самимий эътирофлари, айниқса, хотин-қизларимиз шаънига айтган илиқ сўзларидан кўнглимиз тоғдек ўсди. Президентимизнинг: «Аёл бор жойда барака бор, тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон», деган пурҳикмат сўзлари замирида мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрлик мужассам.

Йил сайин обод ва янада гўзал кўринишга эга бўлиб бораётган Андижон вилоятида озод Ватанимиз тинчлиги, фаровонлиги, халқимизнинг яшаш ва турмуш даражасини янада ошириш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатаётган элдошларимизга бахту саодат ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

**Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА,**  
«Оила ва жамият» муҳбири.

**Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланди.**

Ойбек МАМАЗУЛОНОВ,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи:

## КУЧ БИЛАКДА ҲАМ, ЮРАКДА ҲАМ БЎЛИШИ КЕРАК!

**Андижонлик 25 ёшли спортчи, бокс бўйича 2013 йилги жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳиби, халқаро турнирлар ғолиби, уч карра Ўзбекистон чемпиони, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Ойбек Мамазулов Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” унвони билан тақдирланди.**

— Ойбек, куни кеча Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида ҳам совриндор бўлиб қайтдингиз. Ушбу нуфузли мусобақа таассуротлари қандай бўлди?

— Осиё ўйинларининг бокс бўйича ўтказилган бахсларида Ўзбекистондан ўн нафар спортчи иштирок этди. Булардан Шаҳобиддин Зоиров (52 кг.), миллий терма жамоа аъзоси Исроил Мадраимов (69 кг. гача), Мирзохид Абдуллаев (91 кг.) ҳам ўз вазнлари бўйича яхши натижаларга эришишди. Мен эса нимчорак финалда мўғулистонлик боксчини 3:0 ҳисобида, чорак финалда Ливан терма жамоаси аъзосини муддатидан олдин иккинчи раундда енгдим. Ярим финал жангида корейлик Хаенг Кимга имкониятни бой бериб, бронза медали соҳиби бўлдим. Энди эса 2016 йили Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида жиддий тайёргарлик кўришни бошлаб юбордик.

— Бокс спорт турлари орасида энг оммавий ва қизиқарлиги билан бирга, нафақат билакда кучи, балки юрагида ҳам ўти борларнинг мурасисиз кураши ҳисобланади. Илк курашларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— 1999 йилда АҚШнинг Хьюстон шаҳрида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида андижонлик ўткирбек Ҳайдаров юртимиз шаънини ҳимоя қилиб, рингга чиқди. Ушанда чемпионат бахсларини телевизор орқали кўриб, боксга қизиқиб қолдим. Аям Насибхонов Хўжамова туманимиздаги 8-сонли умумтаълим мактабида математика фанидан дарс беради. Дадам Каримшер Хўжамов тадбиркор. Дастлаб ниятимни аямга айтсам: “Кўй, болам, бошинг оғрийдиган бўлиб қолади, ундан кўра, бошқа касбни танла”, деб фикримдан қайтаришга уринди. Озодбек, Аббос исми акаларим бор. Бўш вақтимиз бўлиши билан бокс тушайлик, деб, уларни ҳоли-жонига қўймасдим. Бир мушт билан ағдарилсам-да, йиқилганимни тан олмай, ўрнимдан туриб, яна мушлашишга уринардим. Катта акам бир қопга кум тўлди-

риб, устунга боғлаб берди. Шундай қилиб уйда ўзим билганимча эски қопни муш-лаб юравердим. “Спорт” телеканали орқали бериладиган беллашувлар, бокс ҳақидаги кўрсатувларни киприк қокмай кўрардим. Бокс-



га бўлган ҳавасим тобора ортиб бораверди. Орадан бир йил ўтгач, ниятимни дадамга айтганимда, у киши: “Ўғлим, кароринг қатъий бўлса, ўзинга ишонсанг, шуғуллан”, деб мени Андижон шаҳридаги болалар бокс мактабига олиб борди. У ерда мураббий Нозимжон Ҳайдаров мен билан суҳбатлашиб, синаб кўриб, кейин сафга қўшди. Биринчи марта машгулотларда ҳақиқий рингни кўриб, роса ҳаяжонланганман. Бахтиёр исми бола билан илк марта рингга чиқганимда хали кўп нарсани ҳис қилмасдим. Рақибимнинг бўйи мендан анча баланд эди. Бокснинг қонун-қоидаларини билмасам-да, уни жаҳданричасига уриб енгдим. Зарбамни кўрган устозим менга алоҳида эътибор бера бошлади.

2008 йилдан бошлаб, омадимни қарангки, ўша мен ғойибона таниган, билган машхур боксчи ўткирбек Ҳайдаров мураббийлиги остида жиддий мусобақаларга тайёргарлик кўра бошладим. Ҳозирги кунда Андижон бокс мактабининг тажрибали мураббийлари Марс Кўчқоров, Александр Размахов, ўткирбек Ҳайдаров, Алишер Абдуллаев, Абдувоҳид Жалолов, Нозимжон Ҳайдаровларнинг шоғирдлари номи дунё микёсида анча машхур.

— Катта галабаларга кичик мағлубиятларни енгиб ўтиш, улардан ҳулоса чиқариб, тинимсиз меҳнат қилиш, изланиш орқали эришилади. Илк бор қачон рингга чиққансиз?


— 2007–2008 йилларда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган бир қатор турнир ҳамда чемпионатларда қатнашиб, кетма-кет мағлубиятга учрайвердим. Ҳар бир мусобақадан сўнг мураббийим билан хато ва камчиликларни таҳлил қилиб, керакли кўрсатмалар олдим. Ўз устимда тинимсиз ишладим. Барибир ғолиб, чемпион бўламан, деган ишонч мени ҳеч қачон

тарк этмади. 2009 йили Жиззахда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган чемпионатда қатнашиб, иккинчи ўринни эгалладим. 2010 йили Бухорода, 2011 йили Жиззахда ўтказилган чемпионатда Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Боксда беллашувлар 3 дақиқадан, уч раунд бўлади. Ҳар бир раунд оралиғида бир дақиқадан дам берилади. Жами ўн дақиқа давомида кураш олиб борилади. Ана шу 10 дақиқа боксчининг тақдирини ҳал қилади.

Мен билан беллашадиган рақибларимнинг аксарияти баланд бўйли, кўллари узун йигитлар. Бўйим унчалик баланд эмас, аммо вазим 81 кг. Мен рақибимга яқин масофадан туриб, қутилмаганда ҳужум қилиш усулини қўлайман.

— Оғир жароҳатлардан сўнг шу спорт турини танлаганингиздан афсусланган ҳолатлар ҳам бўлганми?

— Бобом оламдан ўтганидан кейин аям бетоб бўлиб, тўрт йилча уйда ўтириб қолди. Ўша пайтлар тушқунликка тушганим, менга ҳам боксга бормайсан, деган шартни қўйганди. Ҳатто машгулотга олиб борадиган сумкамни беркитиб, дарвозани қулфлаб қўярди. Онамнинг кўзларини шамғалат қилиб, девордан ошиб қочиб кетар-



дим. Машгулотлар пайти гоҳида кўзим, юзимга оғир зарбалар тегиб, жароҳат олган пайтларим аямга кўринмасликка ҳаракат қилардим. “Болам, бокс ҳақида гап кетса, кўз олдимга сенинг калтак еяётганинг келаверади, жонин ачийди. Сени ҳеч ким урмас, дейман”, дерди. Онамни ҳар доим тинчлантиришга ҳаракат қиламан. Базан вилоятлардаги беллашувларга уларни ҳам бирга олиб кетаман. Хорижга кетсам, қайтганимча бир ой ҳеч кимга гапирмай, дардларини ичларига ютиб юраркан. Рингдан чиқибок, биринчи бўлиб аямга кўнғирок қиламан. Соғ-саломат эканимни эшитганидан сўнг бир йилча оладилар-да, кайфиятлари кўтарилиб, андижонча палов дамлаб кутиб ўтирганликларини айтади.

2013 йил Алмати шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида нидерландиялик боксчи билан баҳсда пешонамнинг ўнг тарафидан қаттиқ жароҳат олдим. Мураббийим шарт қўйди: “Бўлди, рингга чиқмайсан”. Мен эса чиқаман, деб туриб олдим. Ярим финалга чиқиб, совриндорлар қаторига қўшилиш учун астойдил ҳаракат қилдим. Аммо ярим финалда қозогистонлик боксчига ютқазиб қўйдим. Аммо ҳеч қачон тушқунликка тушмадим, аксинча, яна ўз устимда жиддий ишлай бошладим.

— Спорт билан шуғуллана бошлаган ёшларга қандай тавсиялар бера-сиз?

— Ҳар қандай инсон спорт билан шуғулланаётганда ҳаммадан кучли бўламан, деб эмас, соғлом бўлишни ният қилиши керак. Спортчи нафақат жисмоний, балки руҳий-маънавий жиҳатдан ҳам беллашувларга тайёр бўлиши зарур. Бунинг учун ўқиш, изланиш керак. Мен кўпроқ тарихий китоблар ўқишга қизиқаман. Бокс машгулотларига қатнай бошлаганимда бешинчи синфда ўқирдим. У пайтда ҳар куни бир маротаба машгулотга қатнашардим. Аъло баҳолар олиб, намунали болалар қаторида юрардим. Адабиёт, инглиз тили фанларидан яхши ўқирдим. Бир марталик машгулотлар билан қутилган натижаларга эришиб бўлмастлигини билгач, кунига икки маротабадан машгулотларга қатнай бошладим. Баъзида мактабдаги дарсларим қолиб кетарди. Аямнинг турткилашлари билан дарсларимни етказиб олардим. Кўчада ўйнашга умуман вақтим бўлмасди. Боксни танлаган укаларим, энг аввало, мактабда аъло баҳоларга ўқиб, кундалик дафтарларини беш баҳо билан тўлдириб боришса, келажақда улардан моҳир спортчилар етишиб чиқишига ишонаман!

“Оила ва жамият”  
муҳбири  
Нигора РАҲМОНОВА  
суҳбатлашди.



**ЧАЛҒАЙ** – биз куш қанотларини яхлит ҳолда қанот деб атаيمиз. Лекин қанотнинг ҳам қисмлари бор: ён қисм, учки қисм ва елкага ёпишган қисм. Одамларда ҳам шундай: қўлнинг бармоқ, кафт, тирсак, билак каби қисмлари бор. Куш қанотларининг уч қисмига «чалғай» деб айтилган. Ҳозирги тилимизда қанот учини ифодаловчи яхлит сўз йўқ, фақат «куш қанотининг учи» деб айтишимиз мумкин. Нимагадир қанот учини ифода қилган «чалғай» сўзини ишлатмай-миз. Лекин бу сўз ўлмаган. Халқ тилида чопон ёқасининг уч қисми ҳозир ҳам «чалғай» деб айтилади. Умуман бу сўзга бизда эҳтиёж бор. Чунки «чалғай» сўзининг маъносини ифода этувчи бошқа сўз бизда йўқ.

**ТУЙНАК** – янги тугилган, ҳали етилмаган қовун тилимизда “туйнак” сўзи билан ифодаланади. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, бу сўз “тугунак” сўзининг ўзгарган шаклидир. Яъни қовун палаги гулга киргандан сўнг тугадиган меваси қадимда “тугунак” деб айтилган.

**Бозорда қовун туширадиганларга ёрдамлашаман, сапча, туйнак беришади.**

Ғафур Фулом

**АНВОЙИ** – биз “анвойи гуллар” деган иборани кўп ишлатамиз. Лекин унинг туб маъносига ҳамиша ҳам эътибор қилавермаймиз. “Анвойи” сўзидаги “анво” – навлар, ҳиллар, турлар, жинслар деган маъноларни билдиради. Демак, “анвойи гуллар” ибораси турли навдаги гуллар маъносини англатади.

**Минг анво гуллар ичидан ёр кўзини эслатувчи нарғисни узиб олди.**

Мирзакалон  
Исмоиллий

**Эшқобил ШУКУР**  
тайёрлади.

## ТИКАН УЧИДА ОЧИЛГАН ГУЛ

Ишдан эртароқ бўшадим, шунинг учун дугоналикка йўл олдим. Уни роса соғингандим. Кўнглимда илиқ туйғулар билан ганжли нақиллар солинган дарвоза кўнги-роғига эндигина кўл узатгандим, ичкаридан овоз келди:

— Сен зоти настга ўйланиб, ўғлим орзу-ҳавас нималигини билмай ўтати. Туғмаслигинг — дард устига чипқон. Иззатингни бил-да, энди, шумқадам! Мен қайтиб бу уйда қорангни кўрмайсин. Акс ҳолда ўзингга ёмон бўлади!

Зардали қадам товушлари дарвоза томон яқинлашди. Ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун ортимга чекиниб, йўлга чиқиб олишга аранг улгурдим.

Қўлидаги елтигични асабий айланттир-анча чиқиб келган олтиши ёшлардаги аёл — дугонаминг қайнониси дарвозани шу қадар зарб билан ёнди-ки, дарвозахонага осилган сермунчоқ қандилларгача тебраниб кетди.

Турган жойимда қараёт бўлиб қолдим. Нима қилишни билмасдим. Кетишни истардим, аммо дугонама юрагим ачирди. Ҳозир балки қон йиғлаб ўтиргандир, бир оғиз тасаллига зордир, деб ўйладим-у, кўнгироқни босдим.

Бироз вақт ўтиб, эшик табақаси оҳиста очилиб, дугонаминг чехраси кўринди. Йиғидан қизарган кўзларида бирдан қувонч порлади.

— Вой, ўртоқжон, кел, сеням кўра-диган кун бор экан-ку! Роса кўргим келаятганди. Кир, нима қилиб турибсан останада, қирақол!

Уқўлимдан ушлаб, меҳмонхонага бош-лади. Негадир ўзимни қўлга ололмасдим. Дугонама эса тинмай сўзларди, мenden ҳола-аҳвал сўрарди. Дарров дастурхон тузаш-га уннаб кетди. «Бирровга кирдим, кети-шим керак», дейишимга қарамай, учиб-қўниб ошхона ва меҳмонхона ўртасида қатнардди.

Атрофга разм соламан. Ҳаммаёқ чин-нидай тоза, саришта. Токлар тагига экиланг анвойи гуллар қийғос очилган.

Нихоят, у рўпарамга келиб ўтирди.

— Тинчмисан, Шоира?

Савол бердим, ўзимнинг ичимдан ни-мадир узилгандай бўлди. Мен... мен унинг маҳзун тортиб қолишни кутгандим. Йўқ, у мени ҳайрон қолдирди.

— Аваз акам ишдалар, кун бўйи қай-нонам иккимиз уйдамыз. У киши ўз онам-дай меҳрибон. Мени еру кўкка ишонмай-ди, доим авайлайди. Маҳаллада йўриқ бор экан, ҳозиргина чиқиб кетувдилар. «Мен келгунча сиз кўп уринмай дам ола туринг», дея қайта-қайта тайинлаб кетдилар, бо-яқши. Бир кам дунё экан, бахтимнинг тўқис бўлишига биттагина тирноқ кам. Умидимизни узганимиз йўқ, бизгаям Ҳу-донинг атагани бордир. Ойим (қайнонам демоқчи) шифокорларга олиб бориб кўра-тяпти. Ажаб эмас... Улар жаннати аёл.

Нега дейсанми? Олти йил бўлди шу ҳо-в-лига келин бўлиб тушганимга. Бирор мар-та фарзандсизлигимни юзимга солмади-лар. Қайтага сабрли бўлишим кераклиги-ни айтадилар...

Дугонам кўп гапирди. Оғзидан бол то-миб мақтарди қайнонасини. У сўзлагани сайин бироз вақт аввалги кўнглимдаги но-тинчлик аста йўқола борар, ўрнини хо-тиржамлик эгаллай бошлаганди, негадир.

Ўйлардим: файласуфлардан бири аёлга таъриф бераётганида, уни «Тикан усти-да очилган гул», деб атаган ва адашма-ган экан ҳам. Тоғ каби улкан дардни, таш-вишни юрагига, қароқлари ортига кўмиб,



дунёга чиройли табассум билан боқишга қодир гул экан аёл. Чиндан ҳам тикан усти-да очилган гул!..

...Бу воқеага анча вақт бўлганди. Би-ласизми, дугонама яқинда фарзанд кўрди. Бир кун қайнона-келини кўчада учра-тиб қолдим. Дугонама тўлишиб, янада чи-ройли бўлиб кетибди. Қайнонасининг қўлида чақалоқ. Уни тинмай ўпиб, эр-ка-ларди...

## ҚАНОАТ

— Шу аёлнинг исми жисмига монанд экан ўзим. Эри етти-саккиз йилдан буён хорижда. Келай демайди-я?

— Менимча, у номард ўша ёқда бош-қасига ўйланиб олгандир. Бўлмаса, кел-ларди-да! Ахир хотини, бола-чақасини со-ғинмайдимиз?

— Эри кетаётганида Қаноатхон кен-жасига оғирроқ эди. Мана, ўша ўғил ҳозир иккинчи синфда ўқияпти.

— Ота бўлмиш уч-тўрт ойда арзима-ган пул жўнатарми. Уям бўлса, неча йил-дан буён тўшақда ётиб қолган чолага — Қаноатнинг қайнонасига сарф бўлса ке-рак, ҳойнаҳой. Нима дединлар?

— Ҳа, Қаноатхон қайнонасининг дуо-сини олаяпти, баракка топсин. Бироқ...

Ана шу бироқ деган сўз мени ҳам таш-вишга солганди. Ҳамсоя аёлларнинг юқори-даги сўзларини эшитиб, бу аёл ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Не ҳолки, бир кунги уни суд биноси ёнида уратдим.

## Турмуш манзаралари

— Дадамыз келдилар. Унинг юзида қувончининг ўрнига таш-виш аломатлари сезилди. Бирдан кўзла-рига ёш қўйилди.

— Ажрашмоқчи... — деди аранг кўз ёшларини артар экан. — Саккиз йил бева аёлдай кўрган қийинчиликларим, касал отасига қараганим, болаларини авайлаб, катта қилганимга унинг жавоби шу бўлди. У ёқда бу кишим ўйланиб олган экан. Болаларидан ҳам беоналашиб кетибди. Яли-ниб-ёлвордим: «Куда-андала бўлай деганимизда бу нимаси, ниятингиз-дан қайтинг, пул топмасангиз ҳам розимиз, фақат бағримизда бўлсан-гиз бас», дедим, йўқ, қулоқ ҳам сол-мади. Ҳатто отасининг ҳам сўзи-ни олмади...

Қаноат она оғир хўрсинди, ёрил-ган бармоқлари билан дастурмоли-ни гижимлар экан, бошини кўта-риб, узоқларга тикилиб қолди.

— Менинг, болаларимнинг гуно-ҳимиз нима? — деди ўзига гапир-гандай, сўнг менга юзланди. — Ил-тимос, мен ҳақимда ёзинг, менинг номидан ёзинг. Токи аёллар бах-тини ўз қўллари билан олисларга ку-затиб қўйишмасин!..

Печа кунки, унинг «Менинг, бо-лаларимнинг гуноҳимиз нима эди?» деган саволлари қулоқларим остида жаранглай-ди.

У ҳақда ёзиш, изтиробларини қоғозга тушириш осон эмас. Тузи билан ўйлаб ҳам унинг биргина саволига жавоб топа ол-мадим. Фақат кўнглимдаги гапларни тўқиб-солиб, таскин топмоқчи бўламан...

«Исми жисмига монанд отам! Сен ўта сабрли, қаноатлисан! Шунга аниқ биламан-ки, эринг кўз ёш тўкишинингга арзимаиди-ган инсон. Бу синовли дунё. Шу кунгача унинг имтиҳонларидан ўтиб келясан, бундан кейин ҳам машаққатларга мағлуб бўлмаслигинга ишонаман. Болаларинг ақлини таниб қолишиди. Эртами-индин остонангдан совчилар кириб келади. Парилардан ҳусн талашадиган қизингни яхши бир оилага келин қилиб узатасан. Ўзинг шифокор бўлмоқчи, Худо хоҳласа, нияти-га албатта, етади. Ака-опаси ортидан кейингилари ҳам одам бўлишга интилади. Бу гапларни ишонч билан айтишимнинг боиси бор. Улар меҳнатдан қочмайдиган, тўғриликни ҳар нарсадан устун кўйдиган сендай аёлинг фарзандлари! Уларга тўғри тарбия берясан. Ҳадемай келинлар ар-доғида, набиралар қуршовида бўласан. Ҳадемай барча чеккан жабру ситамларинг унут бўлиб кетади. Ундай фароғатли кун-ларинг сабрнинг муқофоти бўлажак, ило-ҳим!

Фақат... у кунларга етгунча яна озроқ сабр қилишинг керак. Бу қўлингдан кела-ди, опажон. Чунки... сенинг исминг Қано-ат!..»

Шаҳно ТОШБЕКОВА.

## Қўнгироқ

### “КИТОБ ЎҚИШ ПУЛЛИКМИ?”

Кеча иккинчи синфда ўқийдиган ўғлимни мактабга кузатаётсам:

— Ойи, 1000 сўм беринг, устозимиз айтди.

— Нимага экан, болам?

— Кутубхонага аъзо бўлиш учун экан.

— Тушунмадим, нима, сизлар пул бериб, китоб ўқийсизларми?

— Билмайман, ҳамма бола берди, фақат мен қол-дим...



Ўғлимнинг бошқа синф-дошлари олдида мулзам бўлишни хоҳламай, пул бе-риб юбордим, наҳотки, умумтаълим мактабларидаги АРМ (ахборот ресурс мар-кази) ларга ўқувчиларнинг аъзо бўлиши пуллик бўлган бўлса, деган савол мени ўйлантириб қўйди. Ҳалиям ишонгим кел-мапти.

Илтимос, исми-шарифим-ни ўзгартириб ёзинг, нега десангиз, уч болам ҳам шу мактабда ўқийди. Шундоқ ҳам синфлардаги «ота-оналар кўмитаси»нинг «пул йиғди-йиғди»ларидан безор бўлиб кетдим. Қачон мактабга йи-гилишга борсак, устозлар би-лан ўқувчиларнинг ўқиши, хулқини муҳокама қилиш ўрнига, ўша «ташаббускор» фаоллар нуқул синфларга ни-маларнидир сотиб олиш, байрамларга пул йиғиш ҳақида гапиргани гапирган.

Сизлардан илтимос, имко-ни бўлса, шундай долзарб мавзунга мақолаларда ёрит-сангизлар.

ЗАМИРА, уй бекаси.  
Тошкент шаҳри.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

Нима учун кўча ҳаракати қондасини бузган кишига мили-ция хуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким хуштак чалмайди.

Абдулла Қаҳҳор

\*\*\*

Агар ўқисанг-у ўйламансанг — чалкашиб қоласан. Агар ўйла-санг-у ўқимасанг — шубҳа-гумон-лар тагида қолиб кетасан.

Конфуций

\*\*\*

Олтин олов билан, аёл олтин билан, эркак аёл билан имтиҳон қилинади.

Америка мақоли

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиги — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеяция — 1 ой

Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой

Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

# МАЪРИФАТГА Шундай яшар одатда одам

## ОШНО ҚАЛЪЛАР

Шахрисабз — юртимизнинг энг кўхна маърифат ўчоқларидан бири сифатида доврў қозонган гўша. Бу қадим манзил, айниқса, мустақиллик йилларига келиб бутунлай ўзгача, яъни таниб бўлмас даражада гўзал шахарга айланди. Айни шу кунларда ҳам Шахрисабзда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўласиз.

— Биз яшаётган худуднинг ташки ва ички қиёфаси йил сайин ўзгариб, янада яшариб бораётгани ҳар биримизни беҳад қувонтиради, — дейди Шахрисабз тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудир Асрор Алимардонов. — Яна бир қувонарли жиҳати, бир замонлар маърифат бобида бутун дунёга донг таратган аллома-ларнинг бугунги ворислари — истиқлол фарзандларига таълим-тарбия бериш борасида ҳам ибратли ютуқларга эришяпмиз. Вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадалари, турли-туман мусобақаларда туманимиз мактаб ўқувчиларининг эришаётган муваффақиятлари, шунингдек, олий ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар орасида шахрисабзлик ёшлар улушининг салмоқчилиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу, албатта, бутун умрини, ақлаковатини, ғайрат-шижоатини ёшларга илм-маърифат, таълим-тарбия беришга бағишлаган устоз ва мураббийларнинг меҳнати самарасидир.

Дарвоқе, туманда ўзининг масъулиятли ва шарафли касбини бир умр ардоқлаб, эл орасида обрў-эътибор қозонган фидойи устозлар кўп. Ана шундай инсонлар сирасига Холниса ҳамда Ўқтам Султоновларни ҳеч иккиланмасдан киритиб, чин маънода зиёлилар оиласи десак арзийди.

Ўқтам аканинг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозир университет)ни тамомлаб, таълим соҳасида фаолият юритаётганига ҳам 35 йил тўлибди.

— Талабалик ва ўқитувчилик йилларимизни эсласам, кўп хотиралар ёдга тушади. Оддий мисол, ўша пайтдаги ўқитиш тизими, аудиториялар абгор ҳолатда эди. Бугунги кундаги шароит ва имкониятлар билан солиштиришнинг ўзи кулгили, — дейди Ўқтам Султонов гурун орасида. — Ёки бундан 30 йил аввалги Тошкент билан ҳозирги пойтахт қиёфасини таққосласам, ишонасизми, ер билан осмонча фарқ бор. Унутилмас ёшлигим кечган шахарга борсам энди адашиб қоламан. Буларнинг ҳаммаси, этироф этиш керак-да, айнан мустақиллик шарофати туфайли рўй берди. Баъзан, қанийди, 20 ёшдан ошган йигитчага айланиб қолсаму, кимдир, қайси соҳани танлайсиз деб сўраса, ҳеч иккиланмай, яна ўша, ўзим севган касб — ўқитувчиликни танлардим. Шукрки, таълим тизимига, устоз ва мураббийларга Президентимиз раҳнамолигида давлат даражасида эътибор қаратилмоқда, имкониятлар яратилмоқда. Биз ҳам бундай эҳтиромга муносиб равишда хизмат қилишни ўзимизнинг шарафли вазиғамиз, бурчимиз эканлигини чуқур ҳис эти-



шимиз лозим.

Ўқтам ака дастлаб тумандаги 16-мактаб-интернатда, кейин эса педагогика коллежида ўқитувчи, сўнгра "Кеш" маҳалла фуқаролар йиғинида раис сифатида фаолият юритган бўлса, мана, ўн йилдирки, тумандаги 99-ўрта умумтаълим мактабида директорлик вазиғасида ишлаб келмоқда.

— Баъзан давраларда, кўча-кўйда қачонлардир ўзим ўқитган ёки озгина бўлса-да, бирор касб-хунарга йўналтирган, ҳозир эса кўпчиликнинг назарига тушган шогирдларимни кўриб қолсам, ич-ичимдан қувониб кетаман. Бизнинг касбимиз ҳам боғбонликка ўхшайди, қачонки, умид билан қадаган ниҳоли ҳосил бериб, элга ризқ улашайтганини кўрса, боши осмонга етади. Ниятим, таълим-тарбия беришдек нони қаттиқ, машаққатли касбни танлаган ҳар бир устоз, мураббий ўз меҳнатининг роҳатини кўрсин!

Бу ибратли оила бекаси, халқ таълими аълочиси Холниса Султоновани ҳам кўпчилик жонқуяр устоз сифатида қадрлайди, эҳтиром кўрсатади. Дарҳақиқат, Холниса опа ҳам Низомий номидаги ТДПУни битирган, дастлаб Китоб туманидаги "Буратино" болалар боғчасида тарбиячи сифатида иш бошлаган бўлса, кейинчалик 33 йил давомида Шахрисабз тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида мактабгача тарбия услубчиси лавозимида хизмат қилди. Мураккаб тармоқ саналган мактабгача тарбия тизимида замонавий тажрибаларни қўллаш, ишлаб чиқилган илгор услубларни амалиётга жорий этиш бўйича изланишлар олиб борди. Айтиш жоизки, бевосита унинг саъй-ҳаракатлари туфайли республика миқёсида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йил тарбиячиси" кўриктанловида шахрисабзлик мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари мунтазам равишда фахрли ўринлар-

ни қўлга киритган.

— Холниса опа менинг энг қадрдон устозларимдан бири, — дейди 41-мактабгача таълим муассасаси мудираси Феруза Мирзаева. — У киши биздан ҳеч қачон ўзининг беминат ёрдамани, фойдали маслаҳатларини аямаган. Ўтган йили озгина муддат муассасамизда бирга ишладик ва айнан устозимнинг саъй-ҳаракати туфайли "Энг обод боғча" кўриктанловининг туман босқичида биринчи, вилоят босқичида эса иккинчи ўринни эгалладик.

Айни пайтда Холниса Султонова тумандаги 32-мактабгача таълим муассасасида мудирлик қилмоқда.

— Дастлаб иш бошлаган кунларим бу масканда тарбияланувчилар сони йигирма нафарча экан. Аввалига маҳалла фаоллари, кейин эса ота-оналар билан учрашиб суҳбатлашдим, вазиятни обдон ўргандим, — дейди Холниса опа биз билан суҳбатда.

— Ҳукуматимиз томонидан ёшларга, айниқса, боғча ёшидаги кичкинтойларга кенг имкониятлар яратиб берилаётганлиги қувонарлидир. Бугунги кунда тарбияланувчиларга инглиз ва рус тилларини ўқитиш-ўргатишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Яна бир муҳим жиҳати, муассасамизда бадиий гимнастика, ашула ва рақс тўғрақлари ҳам мунтазам ишлай бошлади. Бундай қулайликлардан руҳланган оилалар қисқа муддат ичида ўз фарзандларини бизнинг ҳузуримизга етаклаб кела бошлашди. Ҳозир эса улар сони юз нафардан ошди.



Султоновлар сулоласи... Негадир шу иборани бугунги қаҳрамонларимиз ҳақида сўзлаган кишилардан кўп эшитдик. Ўқтам ака ҳам, Холниса опа ҳам умрларининг олтинга тенг йилларини таълим ва тарбия соҳасига бағишлагани оддий ҳақиқат. Лекин уларнинг уч нафар фарзанди ҳам маърифат йўлини танлашгани бизни гоят қувонтирди. Қизлари Дилафрўз ва Феруза Султоновалар ҳам педагогик қилишаётган экан. Уғиллари Ойбек Мирзаев эса Тошкент Давлат консерваториясида тахсил олган. Ўзининг соҳир овози билан муҳлислар меҳрини қозонишга интилаётган истеъдодли хонанда 2006 йилда "Нихол" мукофотиға сазовор бўлди.

Бу оилада кечадиган гурунлар, баҳс-мунозаралар мавзуси, энг аввало, маърифат, санъат, оилада ота-она ва фарзандлар муносабати, ҳуллас, халқимизнинг азали қадриятлари хусусида бўлади. Ниятимиз, ана шундай зиёли хонадонлар юртимизда кўпаяверсин.

Қурбонали АЗИЗОВ,  
журналист.  
Қашқадарё вилояти.

Биласизми?

## ОЗОДАЛИК КУКУНЛАРИ

Оилада кийим-кечак озода бўлса, барчанинг дили яйрайди. Бугунги кунда кир ювиш воситаларисиз уйдаги орасталикни тасаввур этиш қийин. Уларни танлаганда нарҳига кўп ҳам эътибор бермаслик лозим. Чунки арзон ва қиммат кир ювиш воситасида унчалик фарқ бўлмайди. Тўғри, ушбу воситанинг қиммат нарҳлангани олий навлигини билдиреди. Лекин баъзида арзон нарҳдаги ҳам сифатли дейилганига нисбатан кирни тоза ва самарали ювиши мумкин. Шунинг учун ҳар доим ишлатаётган ва ўзингиз ишонган кир ювиш воситасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу воситани танлаш жараёнида асосан унинг таркибига эътибор қаратиш тавсия этилади.

• Ёрлиғида "био" номи мавжуд кир ювиш кукунлари таркибидида ишкор бир мунча кучлироқ саналади ҳамда соус, кофе, чой, мевалар ва ёғ доғларини кетказишда асқотади.

• "Автомат" — махсус оқартирувчи моддалари бор, бироқ кўпиртириш хусусияти бошқа турларга нисбатан пастроқ кўрсат-



кичга эга бўлган мазкур кир ювиш кукунлари, асосан, кир ювиш машиналарига мўлжалланган. Ёрқин рангдаги юпка ипак матолар ва пахталик газламаларни бундай кукунда ювганингиз маъқул.

• Совуқ сувда ювиш тавсия этилган кукунларда синтетик ва қалин газламаларни ювиш мумкин. Борди-ю сиз уларни машинада ювмоқчи бўлсангиз, сувни иситишингиз ҳам шарт эмас. Чунки бу каби кир ювиш воситаларининг қадоқланган қутисида сув ҳарорати 60 даражадан ошмаслиги таъкидланган.

• Био қўшимчалар табиийларига мўшферманлар саналади. Улар уй бекаларининг азалдан доғ кетказиш мақсадида фойдаланган маҳсулотлари — лимон соки, сирка ва туз ўрнига пайдо бўлган моддалардир.

• Кукун ва био қўшимчалар билан табиий ипак, жун, шунингдек, бошқа табиий толалардан тайёрланган матолардан бошқа барча нарсаларни ювиш мумкин.

• Агар сиз био қўшимчали кир ювиш кукунини сотиб олсангиз, уни ишлатиш давомида хоҳ кир ювиш машинасида бўлсин, хоҳ қўлда, албатта, резина қўлқопдан фойдаланишни унутманг! Акс ҳолда қўлингиз қуруқлашиши ва пўст ташлаши, аллергик реакциялар келиб чиқиши мумкин.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА  
тайёрлади.



## ДЕНГИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

Бу ажойиб денгиз жониворлари кўринишидан гарчи юлдузга ўхшаса-да, турли ранг, турли шакл ва ўлчамларга эга. Айримларининг танаси силлик, баъзилариники эса устки қисми тиканли бўлса, ости силлик. Агар бу юлдузларни ағдариб кўрсангиз, кўзингиз юзлаб найсимон оёқчаларга тушади.

Денгиз юлдузларини балик дея олмаймиз. Уларнинг жабралари ва сузгич қанотлари йўқ. Бунинг устига бутунлай бошқача ҳаракатланишади. Баликлар думлари ёрдамида сузишса, юлдузлар майда найсимон оёқчалари ёрдамида денгиз ўзанида ҳаракатланишади.

Улар игна-терири денгиз жони-



ворлари туркумига мансубдир. Бу туркумдаги жониворлар сафига денгиз кирписи ва голотурия (бодрингсимон денгиз жонивори) кабиларни ҳам киритиш мумкин. Барча игна-терири жониворлар юлдуз шаклига эга ва одатда, бу юлдузнинг тана марказидан бешта қирра таралган бўлади.

Денгиз юлдузларининг 2000 га яқин тури фанга маълум. Улар асосан, денгиз ҳавзаларининг кучли оқим ёки тошкинли ҳудудларида, тропик ва совуқ ҳудудларнинг энг чуқур ўзанларида яшайдилар. Юлдузларнинг ҳаммаси ҳам беш қиррали эмас, балки турларига қараб уларнинг қирралари ҳатто 40 тагача ҳам етиши мумкин. Агар йиртқич баликлар уларга ҳамла қилиб, бирор қиррасидан тийлаб узиб олса, юлдуз ўша қиррасини қолдириб, таъқибдан қочиб қутилади. Қизғи шундаки, узилган қирра ўрнидан янги си ўсиб чиқади. Уларнинг яшовчанлик хусусияти шунчалик ривожланганки, ҳатто, битта қирраси қолганда ҳам яна янги қирралар ўсиб чиқаверади ва йўқотилган қирралар ўрнини тўлдирди. Фақат бунинг учун вақт керак. Яъни битта қирра бир йил давомида тўлик ўсиб чиқади.

Уларнинг оғзи танасининг пастки марказ қисмида жойлашган. Юлдузлар роса очофат бўлишиб, денгиздаги митти жониворлар, майда балик ва қисқичбақалар билан озиқланади. Улар ўз емакларини танасига сигдиролмай қолса, ошқозонини оғзи орқали ташқарига чиқариб олишга ҳам қодир. Шу тариқа озуқасини бемалол ҳазм қилиб ётади. Танасининг теласида қизил доғга ўхшаш биттагина кўзи мавжуд. Уларнинг кўриш қобилияти яхши эмас, бироқ ёруғлик ва қоронғиликни ажрата олади.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

## “Бахтли бўлинг”

### саҳифаси

## ТҲЙ ҚОЛИБ КЕТДИ

22 ёшимда уйимдагилар мени уйлантириш тардудиди юрган пайти отам бетоб бўлиб қолди. У кишини даволатиш учун елиб-югурдик. Тўй қолиб кетди. Бу орада уйимиздагилар келин қилмоқчи бўлган қизни бошқасига узатиб юборишди. Отам узоқ йиллар бир жойда ётиб, охири қаюо қилди. Йил ўтмай, онамдан ҳам айрилдик. У киши сўнгги нафасига: “Тўйингни кўриш менга насиб этмади, болам. Бу ёғига оила қуриб, бахтли яшашингни истайман”, деб зорланди. Опаларим, дўсту биродарларим ёлғизлатиб қўйишмади. Шу кунларда улар билан маслаҳатлашиб, келин изляпмиз. **Ёшим 38да.** Маълумотим ўрта-маҳсус, ишим тайин. 30 ёшгача бўлган, самимий, инсоний фазилатларни қадрлайдиган қиз учраса уйланмоқчиман.

АНВАР,  
Навоий вилояти.

## ҚИЗИМГА ОТАЛИК ҚИЛСА...

Собиқ эрим ичкиликка ружу қўйган, рўзгорнинг камқўстини ўйламайдиган киши эди. Унинг ҳатто ўз фарзанди — қизимга ҳам бемехрлиги, уйда тинимсиз жанжал чиқаравериши туфайли зада бўлиб, ажрашиб кетдик. Бу мен учун ҳам, қизим учун ҳам анчайин оғир бўлди. Мен-ку, ўзимни иш билан чалғитдим. Ака-укаларим ҳам бизни ёлғизлатиб қўйишмади. Улардан бир умр миннатдорман.

Аммо қизимга қийин бўлди. Ҳаётимиздаги қийинчиликлар уни тез улғайтирди. Худди катталардек фикрлайди. Бу йил мактабни тамомлайди. Бир неча йилдан сўнг келинлик либосини кийса, отам, деб кимнинг елкасига бош қўйиб хайрлашди, деган ўйда эзиламан. Ҳаёт мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Оилада эркакнинг ўрни тенгсиз бўларкан. **Ёшим 40да.** Қизимга меҳрибон оталик қила оладиган, оилапарвар инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

ФОТИМА,  
Наманган вилояти.

## ХОНАДОНГА БИР АЁЛ КЕРАК

Оилада икки қизимиз. Ака-укаларимиз бўлмагани учун ота-онам бизни узатишганидан кейин бир-бирига суяниб ёлғиз қолишди. Синглим иккимиз улардан хабар олиб турардик. Катта қизимнинг никоҳ тўйи кечаси онамнинг мазаси қочди. Уйга элтиб қўйдик. Эртаси куни эрталаб нохуш хабар келди...

Бу жудоликдан сўнг отам анчагача даволаниб юрди. Минг шукрки, ҳозир аҳволлари яхши. Бироқ онамнинг ўрни билинмапти. Отам анча мунгайиб қолгандек... Ҳовлида бир ўзлари қолганини ўйласам, бу хонадонга ҳам бир аёл керак, деб ўйлаб қоламан. Синглим билан маслаҳатлашиб, отамни уйлантиришга келишдик. **Отам 62 ёшда.** Олтимиш ёшгача бўлган, фарзандларидан тинган аёл бўлса, онамиздек кўрардик.

НАФИСА,  
Тошкент шаҳри.

## ЖАРОҲАТНИНГ АСОРАТИ БОР

Нилуфар болагидан жуда шўх қизалоқ эди. 4-синфда ўқиб юрган кезлари танафус вақтида мактаб ховлисидаги дарахтга чиқиб, йиқилиб тушган. Қизимнинг қадам ташлашида жароҳатнинг асорати билинади. Оёғида катта чандик ҳам қолган. Унинг тенгдошлари 2-3 тадан болалик бўлишди. Аммо Нилуфарга ўз вақтида совчи келмади, энди эса ёши катталардан келяпти. Ахир сал кам отаси тенги кишига қандай қилиб қизимни бериб юбораман. Унинг ҳам дилида орзу-умидлари бор. Ўзидан 5-10 ёш катта бўлса ҳам майли эди. Ўша бахтсиз ҳодиса туфайли қизим ўқиб қолмасин дейман. Нилуфар **29 ёшда.** Ҳамшира бўлиб ишлайди. Бир хонадонни эплаб, саранжом қилиб ўтирадиган қиз. Тенги чиқиб, бахтли юрганини кўриш истагидаман.

ЛУТФИЯ ХОЛА,  
Бухоро вилояти.

## ВАҚТ ДАВОЛАР ЭКАН

Назира билан яқин дугонамиз. У оила қурғунига қадар саломатлигидан ҳеч шикоят қилмаганди. Турмушга чиққанига уч ойча бўлганида боши айланаётганини, кўнгли тез-тез беҳузур бўлаётганини айтди. Бу, унинг ҳомиладорлигидан дарак бўлса керак, деб ўйладик. Ишдан вақтлироқ чиқиб, шифокор кўригига бордик. Ўша куни текширувлар узоқ чўзилди. Натижа эса биз кутганимиздай эмас, аксинча, дахшатли ташхис — унинг бош қисмида мия ўсимтаси борлиги аниқланди. Бу қутилмаган хабарни эшитган дугонамнинг эри ўша куниеқ ўйламай-нетмай уни отасининг уйига жўнатиб юборибди...

Бу воқеанинг содир бўлганига олти йил тўлди. Энг қизиғи, ҳозир Назиранинг саломатлиги анча яхши, муваффақиятли жарроҳлик амалиётининг асорати ҳам қолмаган. Айтдилар-ку, ҳар қандай хасталикни вақт даволайди, деб. Шундай бўлса-да, у собиқ эрининг номардлинги хануз унутма олмай, эзилади. Яқинда дугонамнинг онаси Сурайё хола гурунг орасида: “Назирани узатмоқчимиз, қизим, энди, ўзинг муносиброқ куёв топишга бош-қош бўлгин”, деб илтимос қилди. Назира **28 ёшда.** Ўзи ҳамшира бўлса-да, тикувчилик ва пазандаликда ҳам кўли гул. Меҳрибон, оилапарвар йигитлар бўлса, хабар берсангиз.

ҲАЛИМА,  
Тошкент вилояти.

## КЕНЖА ҚИЗНИНГ ТАШВИШИ

Кўшимиз Назира холанинг икки ўғил, тўрт қизи бор. Кенжаси Марямхондан бошқа ҳаммаси оилали. Холанинг турмуш ўртоғи — раҳматлик Қозим ота жуда қаттиққўл, меҳнатсевар инсон эди. У киши бир фалокат туфайли вафот этгач, Назира хола ётиб қолди. Яқинда уни кўриш учун уйларида кирганимда, гап орасида: “Қизим Марямга куёв топсанг-чи, ёши ҳам 24 дан ошди. Кўзим очиклигида тўйини кўрсам хотиржам бўлардим”, деб илтимос қилди. Бўлмаса, “Оила ва жамият” газетасига мурожаат қиламан, дегандим, рози бўлди. Марям пазанда, моҳир тикувчи қиз. Уй-жойи, иши тайин, орзу-хавасли йигитлар бўлса, овоз берсин.

ГУЛСАРА,  
Анджон вилояти.

## ҚАЙНОНАСИ ҚЎЙМАДИ

Синглим Зубайдани етти йил аввал яхши ниятлар билан бир хонадонга узатгандик. Унинг катта овсини қайнонасининг жиъни эди. Негадир у янги келинни унчалик хушламай қарши олди. Синглимдан айб излаб, қайнонасини тез-тез унга қарши қайрайдиган одат чиқарди. Зубайда ортиқча гап-сўзларга ўрин қолдирмаслик учун рўзгордаги ҳамма юмушни елкасига олганди. Аммо тирноқ остидан кир қидириб, қайнонаси, барибир, жанжалга дастак топар, бунга асосан майда-чуйда нарсалар сабаб бўларди.

Бир куни хабар олгани борсам, Зубайданинг иссиғи чиқиб турган экан. Дарҳол уни шифохонага олиб бордим. Маълум бўлишича, хомиласи 5 ҳафта олдин ривожланишдан тўхтаган экан. Тинимсиз меҳнат ва узлуксиз асабийлашавериш уни шу аҳволга келтирган эди. Зубайда 8 ой яшаб, қайтиб келди. Куёв эса онасининг измидан қиқолмай ажрашишга рози бўлди...

Ака-укаларим унга алоҳида уй олиб беришган. Синглим кичкина бир цехни ишга тушириб, яхшигина тадбиркор аёлга айланди. Бироқ 32 ёшга тўлса-да, хануз оила қурмади. Турмушга чиқши, фарзандли бўлиши кераклигини айтсам: “Насиб қилгани бўлади-да”, дейди, доим. Унинг тақдирига бефарқ қараб тура олмайман. Зубайда жуда ораста, гайратли аёл. Ўзига ўхшаган, меҳнатқаш, очик-кўнгил йигитлар бўлса, узатардик. Уйларим ажрашган ёки битта фарзанди бўлса ҳам майли.

ЗЕБОХОН,  
Самарқанд вилояти.

# ХОНАНДАНИНГ ВАҚТИНИ БАХТДАН УСТУН ҚЎЙМАНГ!

Нима дейсиз?

Яқинда бўлимимизга келган бир фуқаронинг талабини эшитиб, ўйла-ниб қолдим. У ўғлини уйлантираёт-ганлигини, куёв бўлмиш узоқ сафар-да бўлгани боис никоҳга кириш ҳақидаги аризани яқин кунда бериш-ганини айтди. Тўй кунини белгилаб, тўйхона, хонанда ва меҳмонларни айтиб қўйганлиги сабабли қонуний никоҳ учун белгиланган муддатни қисқартириб бери-шимизда ёрдам сўраб келибди. Биз унга Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида белгиланган асосли сабаблар ва уларни тасдиқловчи ҳуж-жатлар бўлганида-гина ёшларнинг ни-коҳдан ўтиш мудда-тини тезлаштириш мумкинлигини, бу ишда шошма-шо-шарлик қилишнинг оқибати яхши бўлмаслигини ту-шунтиришимизга қарамай, ўз фикри-да қатъий туриб олди.

Шу ўринда, "Наҳотки, бундай ки-шилари тўйга кетаётган сарф-ха-ражат, тўйхонанинг дабдабаси қизиқтиради-ю, бир умрлик оила кураётган фарзандларининг фикри, уларнинг кўнгли қизиқтирмас? Тўй кунини тўйхона маъмури билан қайсидир санъаткорнинг бўш вақти-га тўғрилаш шу даражада муҳим бўлса?" деб ўйлаб қолсан киши.

Орзу-хавас деганда айрим ота-

оналар фарзандлари бахти, камоли-ни эмас, балки ўзларини "юлдуз" деб санаётган қўшиқчилар иштиро-кида, дабдабали тўйхоналарда ўткази-лаётган никоҳ базмларинигина ту-шунаётгани жуда ачинарли. Бундай калтабинлик ва шошма-шошарлик билан ўтказилган тўйлар ортидан эса кўп ўтмай, дилни сиёҳ қиладиган келишмовчиликлар юзага келмоқда.



Бугунги кунда оилавий ажримлар-нинг асосий сабаби, асло моддий етишмовчилик эмас, чунки Яратган-га минг қатла шукрки, юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин. Ачинарлиси, ҳали оила қуришга тайёр бўлмаган қиз, иқтисодий жиҳатдан ота-онага қарам бўлган йигит ҳамда ҳали қай-нота-қайноналикка тайёр бўлмаган ота-оналаримиз ўртасидаги муноса-батларнинг кескинлашуви туфайли оилавий ажримлар юзага келмоқда.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш мақсадида ФХДЁ бўлимларига мурожаат қилган ҳар бир ёш билан алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, биринчи навбатда улар-га тиббий кўриқдан ўтишлари учун йўланмалар берилади. Ёшлар тиб-бий кўриқ натижалари билан хабар-дор этилиб, бир-бирларининг соғ-лиғи ва оилавий ҳолати би-лан танишганига ишонч ҳосил қилингандан кейингина никоҳ тузилиши йўлга қўйилади.

Бундан ташқари ҳафта-нинг ҳар чоршанба кунлари ФХДЁ бўлимлари қошида ташкил этилган "Оила до-рилфунуни" машғулотида никоҳланувчи ёшлар билан кўп йиллик ҳаётий тажриба-га эга бўлган отахон ва она-хонлар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, психологлар, имом-хатиблар иштирокида оила мустаҳкамлигини таъ-минлаш юзасидан суҳбатлар ўтказилиб, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, реп-родуктив саломатлик, ижти-моий ҳавфи касалликлар, хусусан, ОИВ/ОИТС касаллиги ва ундан сақ-ланиш тартиби ҳақида тарқатма ма-териаллар ёрдамида тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги са-мара бераётир.

**Химоятхон ТОЖИБОЕВА,  
Фаргона вилоят адлия  
бошқармаси Нотариат, адво-  
катура ва ФХДЁ  
органлари бўлими бош  
маслаҳатчиси.**

## ВАСИЯТНОМА ИСТАЛГАН ВАҚТДА бекор қилиниши, ўзгартирилиши мумкин

Васият қилувчи, зарурат туғилганда, ўз васият-номасининг бирор қисмини ўзгартириши мумкин-ми?

Ю. Дониёров

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1127-моддасида белгиланишича:

"Васият қилувчи исталган вақтда ўз васият-номасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мав-жуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгар-тиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки ва-сият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нота-риус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васият-нома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади.

Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди."

**Саволга Янгийўл тумани 6-ДНИ нотариуси  
Кумри ТАШТАНОВА жавоб берди.**

## ҚАРИНДОШЛАР ТАЪМИНЛАЙДИ

Вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз болалар-нинг таъминот талаб қилиш ҳуқуқи ҳақида маъ-лумот берсангиз.

А. Ҳамидова.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 108-моддасига кўра, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож вояга етган болалар ота-онасидан, агар улар йўқ бўлса, қариндошлари ва ушбу кодексда кўрсати-лган бошқа шахслардан ўз таъминоти учун али-мент талаб қилиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган. Бундай ҳолларда алимент миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг моддий ва оилавий аҳволи ҳисобга олиниб, пул билан тўланадиган қатъий сум-мада белгиланиши мумкин.

Мазкур кодекснинг 123, 125-моддаларига кўра, вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож не-вараларнинг, ака-укаларнинг ота-онаси, эри ёки хо-тини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан бу мажбури-ят бобо ва буви, ака-ука ва опа-синглиси зиммасига юклатилиши мумкин.

**Саволга Боёв тумани ФХДЁ  
бўлими мудир ЛОЛА МУРОТОВА  
жавоб берди.**



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

**Самбо.** Жанубий Кореяда ўсмирлар, ёшлар ва қизлар ўртаси-да ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси аъзо-лари 5 та кумуш, 4 та бронза медал-ни қўлга киритди.

Ўттиздан ортиқ давлатдан 400 нафарга яқин спортчи иштирок эт-ган нуфузли мусобақада Шаҳзод Тағиев, Шаҳбоз Нурматов, Фазлид-дин Холмаматов, Жаҳонай Туркма-нов ва Шаҳзода Усмонова кумуш, Бобурхон Аловуддинов, Элёр Ҳожи-маматов, Матлуба Абдумуталова ва Соҳида Савриева бронза медал-и билан тақдирланди.

\*\*\*

**Футбол.** Ўзбекистон ёшлар тер-ма жамоаси Мьянмада ўн тўққиз ёшгача бўлган футболчилар ўртаси-да ўтказиладиган Осиё чемпионати-нинг гуруҳ баҳсларида маглубиятсиз тўп сурмоқда.

Ёш футболчиларимиз «В» гуруҳи-даги навбатдаги учрашувда БАА тер-ма жамоаси билан 2:2 ҳисобида ду-ранг ўйнади.

Кеча Равшан Ҳайдаров шогирд-лари австралиялик тенгдошлари билан куч синашди.

\*\*\*

**Ушу.** Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуаси-да яқунланган мамлакат чемпиона-тида 300 нафарга яқин спортчи иш-тирок этди.

Мусобақанинг яқма-яқма баҳс-ларида Ҳабибулло Муҳаммаджонов, Файзулло Турсунов, Оллоёр Шамше-тов, Абдулазиз Маткаримов, Абду-карим Анваров каби спортчилар шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

## КУЧЛИЛАР ТЎҚНАШМОҚДА

Ярим енгил вазн тоифасининг энг кучли нокаутчиларидан бири, WBA йўналиши олтин камари соҳиби ямайкалик Николас Уолтерс (24-0, 20 KO) бўлажак жангига машғул-лар даврини яқунлаб, Лос-Анжелес-га келди.

Эслатиб ўтаамиз, Уолтерс 19 ок-тябрь куни жаҳоннинг энг кучли бокс-чиларидан бири, WBO таснифи че-мпioni филиппинлик Нонито Донэр билан (33-2, 21 KO) унвонларни бир-лаштирув жангини ўтказди. Николас АКШга ўз мураббийи Келсо Ча-вес ва отаси Жоб Уолтерс билан ташиф бурюди.

"Николас ҳам руҳан, ҳам жисмо-нан биз қўлга киритишни мақсад қилган даражага етди. Энг муҳими, ўғлим аини вақтда аввалгига қара-ганда анча ақлли жанг олиб бора олади. Бу эса галабага олиб бора-диган ҳал қилувчи омилдир", деди боксчининг отаси Жоб.

**Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

**Муассислар:** Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00 Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



**Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуру кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1036. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 5920. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5